

ТАСДИҚЛАЙМАН
Фарғона “ИЧШУИ” к.х мактаби
директори  **У.Холматов**



**2022 йил октябрь ойи учун Фарғона Имкониятлари чекланган шахслар учун
ихтисослаштирилган касб хунар мактаби укувчилари учун 4 маҳал иссиқ
овкат таом тайёрлаш бўйича аутсорсинг хизмати**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фарғона -2022

Фарғона -2022

Мундарижа:

1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўриқнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. СанПиН талаблари бўйича бир кунлик махсулотлар меъёри бўйича маълумот
4. СанПиН талаблари бўйича бир кунлик таомнома тўғрисида маълумот
5. СанПиН талаблари бўйича бир ойлик харажатлар тўғрисида маълумот
6. Баҳолаш мезонлари бўйича маълумот

1 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: Фарғона Импониялари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб хунари мактаби укувчилари учун 4 махал иссиқ таом тайёрлаш бўйича аутсорсинг хизмати
- 1.2. Танлов қиймати : 817 6560000 сум 2022 йил октябрь ноябрь декабрь ойи учун.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календарь иш кун.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Фарғона “ИЧШУИ” к.х мактаби (бундан кейин–“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
Манзил Фарғона шаҳар Пахлавон Махмуд 23уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Фарғона “ИЧШУИ” к.х мактаби “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
 - танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
 - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
 - танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
 - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
 - танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
 - Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

-мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

☐ Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

☐ Техник таклиф, Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

• Техник ҳужжатлар рўхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров қелиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун

олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:

1. Тадбиркорлик субъектининг (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувоҳнома нусхаси.
2. Корхона раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.
3. Аутсорсинг хизмати бўйича камида олти ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағлари тўғрисида банк маълумотномаси.
4. Молиявий ахволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;
5. Корхонанинг ошхона ишчилари пархез таомлар тайёрлаш бўйича етарли малакага эга бўлиши.
6. Давлат солиқ идораларига топширган охириги I йиллик ҳисоботлари нусхалари.
7. Берилган таклифларда корхонанинг тўлиқ юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари рақамлари кўрсатилган бўлиши керак.
8. Давлат солиқ идораларидан қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотнома.
9. Қискартирилишга тушган Фарғона “ИЧШУИ” к.х мактаби ошхона ходимларни иш билан таъминлаб бериш бўйича қафолат хати.
10. Таклиф этаётган аутсорсинг хизмати калькуляция нархлари алоҳида таклиф хатларида кўрсатилиши ва тижорат таклифи билан биргаликда бўлиши лозим.
11. Фарғона “ИЧШУИ” к.х мактаби учун тахминий бир ойлик наъмунавий таомнома режаси.
12. Фарғона “ИЧШУИ” к.х мактаби тарбияланаётган болалар учун СанПиН талаблари асосида таом таёрлаб бериш бўйича қафолат хати.

1. Фаргона “ИЧШУИ” к.х мактаби васийликка олинганлар учун 1 кунлик озик-овкат махсулотлари меъёрлари.(№0231-07 СанПин меъёри бўйича ҳисобга олинган)

№	Озик овкат номи	Улчов бирлиги	Санпин бўйича миёр грамм
1	Нон	гр	450
2	Ун	гр	35
3	Картошка крахмали	гр	3
4	Ёрмалар	гр	130
5	Шакар	гр	60
6	Кондитер махсулотлари	гр	25
7	масло сливочное	гр	35
8	Усимлик еги	гр	20
9	Сут	гр	200
10	Катик	гр	200
11	Сметана	гр	10
12	Творог	гр	50
13	Пишлок	гр	10
14	Гушт	гр	150
15	Колбаса	гр	20
16	Тухум	дона	1
17	Балик гушти	гр	35
18	Картошка	гр	400
19	овощи, зелень	гр	453
20	фрукты свежие	гр	150
21	соки фруктовые	гр	100
22	Курук мева	гр	15
23	Чой	гр	2
24	Ош тузи	гр	6
25	Дрожжи	гр	1
26	Специи*	гр	1
27	Маргарин	гр	10

2. САНПИН ТАЛАБЛАРИ БЎЙИЧА БИР КУНЛИК ТАОМНОМА ТЎҒРИСИДА МАЎЛУМОТ

№	Номи	Махсулотлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Нонушта	Нон	гр	125
2		Сут 2,5%	гр	200
3		Сариёғ 82,5%	гр	25
4		Шакар	гр	40
5		Печенье	гр	25
6		Тухум	дона	1
7		Овсянка	гр	30
8		Мева қиёми	гр	25
1	Тушлик	Нон	гр	125
2		Гречка	гр	60
3		Нўхат	гр	10
4		Мол гўшти	гр	120
5		Ўсимлик ёғи	гр	15
6		Тузланган кукуруз	ш	8
7		Тузланган гарох	ш	8
8		Оқ довия	гр	10
9		Картошка	гр	180
10		Пиёз	гр	53
11		Сабзи	гр	90
12		Карам	гр	50
13		Булғор калампирн	гр	40
14		Саримсоқ пиёз	гр	1
15		Помидор	гр	30
16		Бодрийг	гр	26
17		Томат	гр	2
18		Туз	гр	4
1	Пешини	Сметана	гр	10
2		Творог	гр	50
3		Шакар	гр	20
4		Нон	гр	75
5		Колбаса	гр	20
6		Пишлоқ	гр	10
1	Кечки овқат	Нон	гр	125
2		Олма	гр	125
3		Сариёғ	гр	10
4		Мол гўшти	гр	30
5		Ўсимлик ёғи	гр	5
6		Картошка	гр	220
7		Пиёз	гр	30
8		Саримсоқ пиёз	Гр	2
9		Помидор	Гр	30
10		Бодрийг	гр	26
11		Сабзи	гр	40
12		Булғор калампирн	гр	20
13		Чой	гр	2
14		туз	гр	2
15		Томат	гр	1

3. САНПИН ТАЛАБЛАРИ БЎЙИЧА БИР ОЙЛИК ХАРАЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Овкатланиш тартиби номи	Хар бир бола учун ўртача ҳисоб китобда (сўмда)	Ўртача бола сони	сумма	Октябрь	
					кун	Сумма
1	Нонушта	5600	598	3348800	31	103812800
2	Тушлик	12000	598	7176000	31	222456000
3	Пешин	4600	598	2750800	31	85274800
4	Кечки овкат	5800	598	3468400	31	107520400
	Жами сумма	28000		16744000		519064000

№	Овкатланиш тартиби номи	Хар бир бола учун ўртача ҳисоб китобда (сўмда)	Ўртача бола сони	сумма	ноябрь	
					кун	Сумма
1	Нонушта	5600	172	963 200	31	29 859 200
2	Тушлик	12000	172	2 064 000	31	63 984 000
3	Пешин	4600	172	791 200	31	24 527 200
4	Кечки овкат	5800	172	997 600	31	30 925 600
	Жами сумма	28000		4 816 000		149 296 000

№	Овкатланиш тартиби номи	Хар бир бола учун ўртача ҳисоб китобда (сўмда)	Ўртача бола сони	сумма	декабрь	
					кун	Сумма
1	Нонушта	5600	172	963 200	31	29 859 200
2	Тушлик	12000	172	2 064 000	31	63 984 000
3	Пешин	4600	172	791 200	31	24 527 200
4	Кечки овкат	5800	172	997 600	31	30 925 600
	Жами сумма	28000		4 816 000		149 296 000

1. БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

№	Малака талаблари	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Аутсорсинг хизмати бўйича камида олти ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағлари туғрисида банк маълумотномаси	20 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
2.	Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
3.	Давлат солиқ идораларига топширган охириги 1 йиллик ҳисоботлари нусхалари	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
4.	Қискартирилишга тушган Фарғона “ИЧШУИ” к.х мактаби ошхона ходимларни иш билан таъминлаб бериш бўйича қафолат хати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
5.	Таклиф этаётган аутсорсинг хизмати калькуляция нархлари алоҳида таклиф хатларида кўрсатилиши ва тижорат таклифи билан биргаликда бўлиши лозим	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
6.	Фарғона “ИЧШУИ” к.х мактаби учун тахминий бир ойлик наъмунавий таомнома режаси.	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
7.	Фарғона “ИЧШУИ” к.х мактаби тарбияланаётган болалар учун СанПиН талаблари асосида таом таёрлаб бериш бўйича қафолат хати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади